

«Юрислингвистика» фани бўйича

тахминий саволлар

1. Юрислингвистика фанининг предмети, ўрганиш объекти, мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот беринг. Мазкур фанни Ўзбекистонда янада ривожлантиш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларингизни баён этинг.
2. «Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари» фанини ўрганишга бўлган зарурат ва эҳтиёжларни нималарда кўрасиз? Ўз фикрингизни ҳаётий мисоллар воситасида исботланг.
3. Юридик фаолиятда адабий тил меъёрларининг тутган ўрни ҳақида маълумот беринг. Юридик тилда адабий тил меъёрларининг бузилиши нималарга олиб келади? Бу ҳолатга мисоллар келтиринг.
4. Юрист фаолиятида юридик тил ва юридик нутқнинг тутган ўрни ҳақида маълумот беринг. Бу соҳада бугунги кундаги айрим муаммоларни санаб ўтинг. Уларни бартараф этиш йўллари кўрсатинг.
5. Ҳозирги ўзбек юридик терминларнинг тараққиёти ҳақида маълумот беринг. Бу соҳада бугунги кундаги айрим муаммоларни санаб ўтинг. Уларни бартараф этиш йўллари кўрсатинг.
6. Юридик терминларга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот беринг. Юридик терминларни матнда тўғри қўллаш юзасидан ўз фикрингизни баён этинг.
7. Юридик тил ва унинг белгилари ҳақида маълумот беринг. Юрист-педагог фаолиятида унинг қандай ўрин тутишини изоҳланг.

8. Ҳуқуқий давлат қуришда юридик тил ва юридик нутқнинг ролини нималарда кўрасиз? Фикрингизни мисоллар воситасида исботланг.

9. Ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда “Юристнинг ёзма нутқи” фанининг ролини нималарда кўрасиз? Фикрингизни ҳаётий мисоллар воситасида исботланг.

10. Сизнинг фикрингизча, бугунги кунда юристларнинг ёзма саводхонлик даражаси қандай? Ўз тажрибангиздан келиб чиқиб, бу соҳани ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар беринг.

11. Юридик ёзма нутқда пунктацион меъёрларнинг ўрни ҳақида маълумот беринг. Фикрингизни ҳаётий мисоллар воситасида исботланг.

12. Юридик кадрлар тайёрлашда бадиий адабиётнинг роли қандай? Сиз бу соҳада бўлажак ҳуқуқшунослар учун қандай бадиий адабиётлар ўқишни тавсия этган эсан эсан бўлар эдингиз.

13. Тил ва нутқ нима? Уларнинг ўзига хосликларини тушунтиринг.

14. Ёзма юридик нутқ адабий тилнинг қандай меъёрларга қатъий амал қилиши керак?

15. Ҳуқуқ ва тилнинг ўзаро муносабати ҳақида маълумот беринг.

16. Ҳуқуқнинг ривожидан тил вазифаларини кўрсатинг

17. Тил таракқаетида ҳуқуқнинг ўрни ҳақида маълумот беринг.

18. Ҳуқуқ ва тил ўртасидаги муносабатлар жамият таракқаетига қандай таъсир қилади?

19. Юриспруденцияда шаклий ёзув қондасига қандай амал қилинади?

20. Юриспруденцияда грамматик меъёрнинг тутган ўрни ҳақида маълумот беринг ва фикрингизни мисоллар воситасида исботланг.
21. Юриспруденцияда нутқ раволигига путур етказувчи омилларни санаб ўтинг.
22. Ҳуқуқий тезаурус нима? Бу соҳада жаҳонда ва Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот беринг.
23. Ёзувнинг пайдо бўлиш жараёни ҳақида маълумот беринг.
24. Орфография қандай принципларга асосланади?
25. Юридик матннинг мантиқий-мазмуний бўлиниши, унда пунктуациянинг ўрни ҳақида маълумот беринг ва мисоллар билан фикрингизни исботланг.
26. Юридик матнда дефис ва тиренинг тутган ўрни ҳақида маълумот беринг. Мисоллар келтиринг.